

QISHLOQ XO'JALIGI FANLARI / AGRICULTURAL SCIENCES

УЎК 635.21+631.51

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ҲИМОЯЛАНГАН ЖОЙЛАРДА ПОМИДОР
ВА САБЗАВОТЛАР КЎЧАТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ**

Усманов Носир Нурманович¹ – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор,
e-mail: usmon.nosir@inbox.ru

Суюнова Гулҳаё Ботир қизи¹ – магистрант, e-mail: gulhayobotirovna40@gmail.com

¹Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти, Қарши ш., Ўзбекистон

Аннотация. Қашқадарё вилояти сугориладиган оч тусли тупроқлари шароитида плёнкали иссиқхонада кузги ва баҳорги муддатларда помидор ва сабзавот экинлари кўчатларини экши, парваришилаш ва етиштириши агротехникасининг таъсири ўрганилди.

Калит сўзлар: помидор ва сабзавотлар уруғлари, кўчам экши муддатлари, экши схемаси, ўсии, ривожланиши, сугорори, озиқлантириши.

Abstract. Under the conditions of irrigated typical gray-earth soils of the Kashkadarya region, the influence of agrotechnical methods of growing seedlings of tomato and vegetable crops of autumn-winter turnover in filmy protected ground was studied.

Keywords: tomato and vegetable seeds, seedling sowing time, sowing scheme, growth, development, irrigation, plant nutrition.

Кириш. Бугунги кунда жаҳон миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Шунингдек, мамлакатимизда мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини сифатли ва витамишли қишлоқ хўжалиги ва сабзавот экинлари маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ҳосилдорлик ва манфаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб ҳисобланади.

Президентимизнинг 2019 йил 20 марта “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4246-сон қарорида республикамида мавсумдан ташқари муддатларда сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, экспорт ҳажмини ошириш, соҳада юқори даражали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш вазифалари белгиланган. Аҳолини арzon, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида республикада ташкил этиладиган иссиқхоналар ва уларда сабзавот экинлари кўчатларини замонавий етиштириш усулларини кўллаш ҳозирги кунда долзарбdir.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги “Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4020-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижা берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самараадорликни кескин ошириш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтилган. Ўзбекистон аҳолисининг озиқ-овқат таъминотини яхшилаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самараадорлигини оширишда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш асосий омил ҳисобланади.

Сабзавотларни илмий асосланган йиллик истеъмол меъёри уларни йил давомида бир хилда истеъмол этилишини тақозо этади. Бунга эришиш учун очиқ ва ҳимояланган майдон сабзавотчилигини мутаносиб равишда ривожлантириш лозим.

Аҳолини йилнинг кеч куз, қиши ва эрта баҳор ойларида сабзавот маҳсулотлари билан таъмин этишда ҳимояланган майдон сабзавотчилиги жуда муҳим аҳамиятга эга [1,2,3,4,5,6,7].

Республикамизда плёнкали иссиқхоналарда қишки-баҳорги муддатларда помидор, бодринг ва бошқа сабзавот экинлар экилган пайкал тупроқ унумдорлиги, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, касалланиши ва ҳосилдорлигига озиқлантириш ва парваришлаш агротехникасининг таъсири тадқик этилган [1,2,3,4,5,6,7,8].

Материаллар ва услублар.

Тадқиқот мақсади. Қашқадарё вилояти суғориладиган типик бўз тупроклари шароитида плёнкали иссиқхонада сабзавот экинлари кўчатлари етиштиришда нав намуналарини баҳолаш, юкори ва сифатли ҳосилдорлик, сақланувчанликни таъминлайдиган сабзавот экин навларни етиштиришнинг самарали агротехнологик тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Даля тажрибалари Қашқадарё вилояти Қамаши тумани суғориладиган типик бўз тупроклари шароитида 2022 йилда олиб борилди. Тупроқнинг механик таркиби ўртача қумоқ, ер ости сувлари чуқурлиги 7-8 метр. Тажриба участкасида гумус микдори (0-30 см) 0,92-1,15%, тупроқ ҳажм массаси 1,28-1,30 г/см³, солиширма массаси 2,5-2,6 г/см³, ялпи азот 0,081-0,087%, фосфор 0,117-0,121%, калий 2,3-2,7%, ҳаракатчан азот шакллари микдори 3,41-5,16 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 17-22 мг/кг ва алмашинувчан калий 185-227 мг/кг ни ташкил этганлиги аниқланди.

Тадқиқот обьекти сифатида суғориладиган оч бўз тупроклар, плёнкали иссиқхоналарда етиштиришга мос помидорнинг районлаштирилган “Ташкентский тепличный”, Сайхун, Омад, Сенто дурагай навлари ва турли қўкат сабзавот экинлари навлари олинган.

Гумус микдори И.В.Тюрин усулида (ГОСТ-26213); нитрат азоти-ион селектив усулида, ГОСТ-13496-10; умумий азот, фосфор ва калий битта намунада И.М.Мальцева, Л.П. Гриценко усулида; ҳаракатчан фосфор 1% аммоний карбонат эритмасида Б.П.Мачигин усулида; алмашинувчан калий оловли фотокалориметрда П.В.Протасов усулида; сувда эрийдиган тузлар ва қуруқ қолдиқ умумий қабул қилинган услубда, ГОСТ-26423-85, pH сувли сўримда потенциометр ёрдамида аниқланган.

Дала шароитида тупроқнинг зичлиги 500 см³ цилиндр ёрдамида Качинский усули бўйича; солиширма массаси пикнометрик усулида; тупроқнинг ғоваклиги ҳисоблаш усулида; тупроқнинг сув ўтказувчанлиги Качинский усулида бажарилган.

Дала тажрибаларини ўтказиш, экинни парвариш қилиш, ҳосилни йиғиш, ҳисоблаш ва таҳлиллар умумқабул қилинган услуб ҳамда тавсиялар асосида олиб борилди [1,2,3,9].

Плёнкали иссиқхоналарда кўчатларни шамоллатиш ва чиниқтириш етарли бўлганда тезроқ ривожланади ва уларни парникларда етиштирилгандағига қараганда 10-12 кун олдинроқ экиш мумкин [1].

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси. Вилоят ва туманларда шариотида мавжуд дехқон фермер ва томорқа хўжаликлари очик ва ҳимояланган ер майдонлари 1 га очик майдонга (55-60 минг дона) кўчат етиштириш учун 150-200 м² плёнкали иссиқхоналарда 1 гектар плёнкали иссиқхонани 10 см қалинликда тупроқ аралашмаси билан тўлдириш учун 1000 м³ қоришка талаб этилади. 1 м² майдондан помидор ва сабзавот экинлари кўчатлари 2500-3000 донани, озиқланиш майдонига кўра чиқадиган кўчат сони 250-387 донани ташкил этди. Плёнкали иссиқхонада помидорнинг районлаштирилган “Ташкентский тепличный”, Сайхун, Омад, Сенто дурагай - навлари билан турли сабзавот экинлари экиб ўрганилди.

Тажрибамизда тавсиялар асосида тувакли ҳамда туваксиз кўчат ўстиришда 1 м² аралашмага қўйидаги микдорда минерал ўғитлар қўшилди (кг да): помидор, қалампир ва бақлажон учун: суперфосфат – 3,0-4,0, мочевина – 0,7-1,0 ёки амиакли селитра – 1,0-1,5, калий хлорид ёки калий сульфат – 1,0-1,5, магний сульфат – 0,3-0,4; бодринг учун – суперфосфат – 1,0-1,5, мочевина – 0,6-0,7 ёки амиакли селитра – 0,8-1,0, калий хлор калий сульфат – 0,5-1,0, магний сульфат – 0,2-0,3; оқбошли ва гулкарамлар учун: суперфосфат – 2,0-2,5, мочевина – 1,0-1,5 ёки амиакли селитра – 1,8-2,0, калий хлорид ёки калий сульфат – 0,6-0,8, магний сульфат – 0,2-0,3.

Уруғ экилгандан ёки пикировка қилинган тувакли күчатларни жойлаштириб чиқилгандан сўнг, тувакчалар ораси уларни тайёрлашда ишлатилган аралашма билан тўлдирилди.

Тажриба давомида уруғларни намлаш, ундириб олиш ва чиниқтириш усулларидан кенг фойдаланилди. Күчатларни чиниқтириш очик күчатхонада ва плёнкали иссиқхонда етиштирилганда юқори самара берди. Помидор ва сабзавот экинларининг уруғларини экиш олди йирик ва ўртача фракцияларга ажратиб сараланди, 15-18% майдалари чиқитга чиқарилди. Саралангандан сўнг улар зааркунанда ва замбуруғ спораларига қарши қиздирилиб ишлов берилди. Бир сутка давомида $+25+35^{\circ}\text{C}$ ҳароратда яхшилаб қуритилган помидор, бодринг ва карам уруғлари 3-3,5 соат давомида $+50+55^{\circ}\text{C}$ да қиздирилди.

Помидор ва карам уруғлари ҳар 1 га майдонга етарли күчат олиш учун 350-400 г; бақлажон гектарига 600 г ва қалампир уруғи гектарига 800-1000 г миқдорида сарфланади. Уруғлар йириклигига қараб 0,5-1,0 см чуқурликда кўмилди [1,2,3,4,5,6] .

Плёнкали иссиқхоналарда помидор ва сабзавот экинларини күчатларини етиштириш давомийлиги қисқароқ бўлганлиги учун уруғ экишни ойнаванд иссиқхона ва парникка нисбатан 10-12 кун кечроқ амалга оширилди. Уруғни экиш меъёrlари уларнинг йириклиги, ўсимликларни озиқланиш майдони ва күчат етиштириш усуллари тавсияларга асосан амалга оширилди.

Плёнкали иссиқхонада күчат пикировка қилиб ўстирилганда уруғ озуқа кубикларга экилди. Экиш меъёри $8-10 \text{ g/m}^2$ (1-жадвал).

1-жадвал

Қашқадарё вилояти плёнкали иссиқхонада очик ер учун сабзавот экинлари күчатларни етиштириш

Экинлар	Уруғларни экиш меъёrlари, g/m^2		Озиқ- ланиш майдони, см	Күчатларни уруғ екилгандан бошлаб етиштириш давомийлиги, кун	Фойдали майдондан чиқадиган яроқли күчат дона/ m^2	1 га очик ерга күчат етиштириш учун химояланган ерга талаб, m^2
	пикировкали	пикировкасиз				
Гул карам	12-15	3-5	6x6, 7x7	45-60	200-250	200-280
Оқбошли:						
эртаги	12-15	3-5	6x6, 7x7	45-60	200-250	200-280
ўртаги	-	1,5-2	5x5, 6x6	35-45	200-250	200-280
кечки	12-15	4-5	6x6	40-45	250-320	130-180
Помидор	8-10	1-1,5	8x8	50-60	100-125	330-400
Қалампир	10-12	4-5	5x5, 6x6	55-60	170-320	300-400
Бақлажон	8-10	3-4	5x5, 6x6	50-55	170-320	300-400
Бодринг	-	4-5	5x5, 6x6	15-20	200-300	250-350

Уруғ экилгач, ниҳолларнинг тез униши учун у илиқ сув билан енгил суғорилди. Ўсишдан орқада қолган майсалар аммиакли селитра билан - 10 л сувга 5-10 г хисобида қўшимча озиқлантирилди. Нисбий намликтининг ортиқча ошишига йўл қўймаслик учун иссиқхона шамоллатилди, ҳаво булуатли кунларда ром ва дарчалар очилди. Плёнкали иссиқхонада помидор ва сабзавот экинлари күчатларини парваришилашда ҳавонинг ўртача намлиги 50-60% ни ташкил этди.

Ўғитлар меъёри биринчи озиқлантиришда (г/л): аммиакли селитра – 0,5; суперфосфат – 4,0; хлорли калий – 12; иккинчисида – 1, 8, 4. Бир m^2 ерга 6-7 л эритма сарфланди.

Кейинги парваришилаш суғориши, юмшатиш, ўтоқ қилиш, шамоллатиш ва қўшимча озиқлантириш ўтказишдан иборат. Экишга 10-15 кун қолганда чиниқтириш бошланди. Помидор ўсимлиги күчатларини чўзилиб ўсиб кетишининг олдини олиш учун 3-4 чинбарг чиқарган босқичидан бошлаб ингибitor эритмаси билан 8-10 кун оралиқда 2-3 марта пуркалди. Эритма концентрацияси препарат бўйича 0,05-0,10%. Ҳар бир ўсимликка 5 мл берилди. Саралаб олишдан олдин күчат 0,5-1% бордо суюқлиги билан пуркалди, бу унинг

барг ва меваларнинг далада ўсиш вақтида касалликларга чидамлилигини оширганлиги аниқланди. Эрта ҳосил олиш учун кўчатнинг бўйи 20-25 см, пояси йўғон, 7-9 барг ва 1-2 тўпгул ҳосил қилганда саралаш амалга оширилди.

Бақлажон ва қалампир кўчатлари очиқ ерга апрелнинг охири – майнинг бошларида экилди. Уруғларнинг суст унишини назарда тутиб бақлажон ва қалампир уруглари помидор уруғидан бир ҳафта олдин (февраль охири – март бошларида) экилди. Уруғ экилиб, ниҳоллар униб чикқач, 50-55 кунда кўчатлар етилиб тайёр бўлди. 1 га очиқ ерга кўчат етиштириш учун бақлажон уруғи - 600 г, қалампир уруғи 800 г сарфланди. Пикировка қилиб етиштиришда уруғни экиш меъёри: қалампир – 20-25 г, бақлажон – 15-20 г, пикировкасиз: қалампир – 5-6 г, бақлажон – 5 г ташкил этди (1-жадвал).

Кўчат пикировкасиз ўстирилганда уруғ қаторлаб экилди, уларнинг оралари 6-10 см. қилиб амалга оширилди. Қатордаги масофа 1 м² жойга 500 дона қалампир ва 350 дона бақлажон кўчати кетадиган қилиб экилди. Пикировкали кўчатлар етиштирилганда эса, қалампир учун 5x5 см, бақлажон 6x6 см озука майдони берилди.

Қалампир ва бақлажон кўчатлари учун ҳарорат помидорга қараганда бир оз юкорироқ (+2+3 °C га) бўлишлигини талаб қилди. Ҳавонинг нисбий намлиги 60-75%. Кўчатларни чиниктириш даврида ҳарорат ташқаридагига яқин бўлиши керак. Қалампир ва бақлажон кўчатлари помидорга қараганда намга талаби юқори эканлиги кузатилди. Ниҳоллар пайдо бўлишидан то чиниктиришгача сугориш олди намликни 65-70 % НВ да сақланди. Жами 5-6 марта сугорилди. Сугориш меъёри 12-13 л/м² ташкил этди.

Чиниктириш ва кўчатни танлаб олишдан олдин кўчат янга бир марта сугорилиб, намлик ҳар бир сугориша тўлиқ дала нам сифимигача етказилди. Ўсимликларнинг нокулай шароитларга чидамлилигини ошириш учун сугориш сувларига (10 г сувга 2-3 г) калий қўшилди.

Кўчириб ўтказишга тайёр бўлган қалампир кўчатининг баландлиги 18-20 см, 8-9 барг, ер устки қисмининг вазни 6-7 г, илдиз вазни 0,6-1 г; бақлажон кўчатининг баландлиги 18-20 см, барглари 5-6 та, ер устки қисми вазни 10-12 г, илдизи 0,6-1 г ни ташкил этганлиги аниқланди.

Хуноса. Қашқадарё вилояти шароитда ҳимояланган жойларда помидор ва қарам уруғлари 350-400 г; бақлажон гектарига 600 г ва қалампир уруғи гектарига 800-1000 г миқдорида сарфланди. Уруғлар йириклигига қараб 0,5-1,0 см чуқурликда экиш орқали 1 га майдонга етарли соғлом ва сифатли кўчат етиштиришни таъминлади.

Адабиётлар

1. Ostonaqulov T.E., Zuyev V.I., Qodirxo'jayev O.Q. Mevachilik va sabzavotchilik (sabzavotchilik). - Toshkent, «Navro'z» nashriyoti, - 2019, 75-100 betlar.
2. Юнусов С.А., Абдиев З.Т. Иссиқхоналарда сабзавот кўчатчилиги. Т., Нашриёт уйи “Тасвир” – 2021.- 96 б.
3. В.И.Зуев, А.А.Атаходжаев, А.К.Кадырходжаев. Выращивание рассады и овощей в защищенным грунте. - Ташкент, 2007, - 322 с.
4. Бакиев А., Камалов М., Сагдуллаев Н. Возделывание ранних овощей в теплицах и подпленкой. -Ташкент, Узбекистан, 1973, 58 с.
5. Бакурас Н.С. Выращивание рассады и овощей в теплицах. -Ташкент, Мехнат, 1989, 138 с.
- 6.Бакурас Н.С., Камбаров Р.С. Выращивание рассады и овощей в пленочных теплицах. -Ташкент, ФАН, 1979, 104 с.
7. Бакурас Н.С., Луценкова К.К. Тепличное овощеводство Узбекистана. -Ташкент. Мехнат, 1985, 164 с.
8. Зуев В.И., Абдуллаев А.Г. Овощеводство защищенного грунта.- Ташкент, Укитувчи, 1982, 440 с.
9. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. - М.: “Агропромиздат”. - 1985. - С.351.